

558/1052 - عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، كَثُرَ حَدِيثُ الْكُسُوفِ بِطُولِهِ ثُمَّ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، رَأَيْنَاكَ تَنَاهَلْتَ شَيْئًا فِي مَقَامِكَ، ثُمَّ رَأَيْنَاكَ كَعَكَعْتَ؟ قَالَ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنِّي رَأَيْتُ الْجَنَّةَ فَتَنَاهَلْتُ عَنْفُودًا، وَلَوْ أَصَبْتُهُ لَأَكْلُتُهُ مِنْهُ مَا بِقِيَتِ الدُّنْيَا، وَأُرِيَتُ النَّارَ، فَلَمْ أَرَ مَنْظَرًا كَالْيَوْمِ قَطُّ أَفْطَعَ، وَرَأَيْتُ أَكْثَرَ أَهْلِهَا النِّسَاءَ». قَالُوا: بِمِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «بِكُفْرِهِنَّ». قِيلَ: يَكُفْرُنَ بِاللَّهِ؟ قَالَ: «يَكُفْرُنَ الْعَشِيرَ، وَيَكُفْرُنَ الْإِحْسَانَ، لَوْ أَحْسَنْتَ إِلَيَّ إِحْدَاهُنَّ الدَّهْرَ كُلُّهُ، ثُمَّ رَأَيْتُ مِنْكَ شَيْئًا، قَالْتُ: مَا رَأَيْتُ مِنْكَ حَيْرًا قَطُّ».

558.1052. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тутилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар: Бақара сурасини ўқиганчалик узун қиём қилдилар. Кейин узун рукуъ қилдилар. Кейин (бошларини) кўтардилар-да, яна узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин узун рукуъ қилдилар, бу аввалги рукуъдан қисқароқ эди. Кейин сажда қилдилар. Кейин узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин (бошларини) кўтардилар-да, яна узун қиём қилдилар, бу аввалги қиёмдан қисқароқ эди. Кейин узун рукуъ қилдилар, бу аввалги рукуъдан қисқароқ эди. Кейин сажда қилдилар. Сўнг (намоздан) чиқдилар. Қуёш очилиб бўлган эди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Албатта, қуёш ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидан иккитасидир. Улар бироннинг ўлими туфайли ҳам, ҳаёти туфайли ҳам тутилмайди. Қачон ана шу(ҳол)ни кўрсангиз, Аллоҳни зикр қилинг**», дедилар.

Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз сизни турган жойингизда ниманидир олмоқчи бўлганингизни, сўнгра орқага тисарилганингизни кўрдик», дейишиди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Шубҳасиз, мен жаннатни кўрдим ва бир шингил узум олмоқчи ҳам бўлдим. Агар уни олганимда, дунё тургунича ундан ер эдингиз. Менга дўзах ҳам**

кўрсатилди. Бугунгидек даҳшатли манзарани асло кўрмаганман. Унинг аксар аҳли аёллар эканини кўрдим», дедилар. «Нима учун, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. У зот: «Куфрлари туфайли**», дедилар. «Аллоҳга куфр келтирадиларми?» дейилди. У зот шундай дедилар: «**Эрларига куфроналик қилишади, яхшиликка куфроналик қилишади. Агар улардан бирига умр бўйи яхшилик қилсанг-у, сўнгра сендан бирон (ёқмайдиган) нарса кўрса, «Сендан ҳеч яхшилик кўрмадим», дейди».****

Манба: hadis.islom.uz

